# «НУРОТА»НИНГ БИР КУНИ

***Кузнинг охирги кунлари бўлишига қарамай устма-уст ёққан ёмғирдан сўнг Айдар бўйлари худди баҳордагидек яшнаб кетди. Айниқса, эрта тонгда тушаётган шабнамдан майсалар ювилиб бўлакча чирой очди, шувоқлар бари либос билан қопланди. Муҳаммад Эрматов бугун ҳам эрта тонгдан участкасига отланди. Бу йил ёғингарчилик кам бўлгани учун Томбулоқдан Темирқовуққа қувур орқали келаётган сув жилдираб бўлсада оқиб турган эди. Мана, уч кундирки, шуям тақа-тақ тўхтади. Кеча қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла қўмиталари раислари, оқсоқоллар иштирокида ўтказилган йиғилишда уни сув муаммосини ҳал этиш ҳайъатига раис қилиб сайлашди. Темирқовукда азал-азалдан ўзбек, қозоқ, тожиклар бир тан-бир жон бўлиб, бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ яшайди. Сеники, меники деган гап йўқ. Куда-қудағай бўлиб кетишган.***

«Нурота» ширкат хўжалигида бугунги кунда қарийб 43 минг қўй боқилмоқда. Ўтган йили чорвачиликдан 81 миллион сўм соф фойда олишди. Бу йил бу кўрсаткич 85 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Чўлликлар хонадони отсиз, тўйлари улоқсиз ва курашсиз бўлмаганидек, ишлаганда «белингда белбоғинг борми» дейишади. Хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ҳам шунга яраша ҳимматни кенг қилиб мусобақа шартларини ишлаб чиқади. Ўтган йили «Дамас», «Тико» автомашиналарининг 30-40 фоизи миқдорида мукофот пули ажратилган ҳамда 2-ферма бош чўпони Давлат Ҳайдаров видеоиккилик билан мукофотланган эди. Бу йил қўзилатиш мавсумида юқори кўрсаткичга эришган 1-ферма бош ор қўйчивонлар эса мукофотга 357 бош қўзи олишди. Шунингдек, Амбар Давронова, Ойша Ғаниева, Дилобар Набиева, Шарифа Аслиева, Зиннат Тожиддинова, Асал Ўлжаева каби илғор пиллачилар ҳам мусобақа пешқадамлари деб топилди ва қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлишди.

Бу ерда ёрдамчи чўпони Сирож Нурхонов, 2-ферма бош чўпони Ғани Каримбеков, 3-ферма бош чўпони Ражаб Дўсбоевлар ҳам видеоиккилик билан тақдирланишди. Дуйсенбек Есонов, Маҳаммад Бегманов, Ақилбек Хўжаев, Ўрол Тиллабоев сингари илғор тармоқларда ишловчиларнинг ташаббускорлик ҳаракати ҳам эътиборсиз қолмайди. Яқинда хўжалик чорва муҳандиси Даврон Ҳакимов механика цехида қўл кучи билан ишлайдиган кўтарма кран яратиб, меҳнат сарфини қисқартиргани учун маъмурият ва касаба уюшмаси қўшма қарори билан икки бош қўй билан тақдирланди.

Хўжаликда зарарли ҳамда дала юмушларида ишлайдиганлар меҳнати алоҳида қадрланади. Уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотганлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма

### *Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир*

қўмитаси томонидан ғамхўрлик қуршовига олинган. Яқинда II гуруҳ уруш ногирони Қўшон Ўринқуловга уй совға қилишди. Ҳомийликдан Нурота шаҳридаги кам таъминланган хонадонлар ҳам четда қолмайди. Мустақиллик байрами муносабати билан уларга 3 тонна буғдой 50 фоиз арзонлаштириб сотилди. Шунингдек, 22 хонадонга 50 килограммдан буғдой бепул берилди. Хулоса қилиб айтганда, хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг қарори билан ижтимоий ҳимоя ва моддий рағбатлантиришга шу кунгача ажратилган маблағ 6 миллион сўмни ташкил этаётир.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳудуддаги соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларига ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври ичида 1,2,3-бўлимлардаги Кичиксой қишлоғидаги фельдшерлик пунктлари жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 34-қозоқ мактабида 3 миллион сўмлик тўла таъмирлаш ишлари бажарилди, ўқувчиларга спорт жиҳозлари совға қилинди. Ҳудуддаги мактабларга «Олимпиада умидлари» спорт мусобақаларига қатнашиши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнаткашларнинг 70 нафар фарзандининг Навбаҳор туманидаги «Ўзбекистон» болалар оромгоҳида маданий дам олиши учун бепул йўлланмалар олиб берилди.

Хўжаликка икки йилдан бери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Зайни Омонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаммад Эрманов эса агросаноат мажмуи ходимлари республика касаба уюшма Марказий қўмитасининг аъзоси қилиб сайланган. Айтиш мумкинки, ўтган даврда одамларда ишга бўлган муносабат анча ўзгарди. Қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кенг қўллаб-қувватлана бошланди. Бугун Темирқовуқликларнинг тўртдан икки қисмини омилкор кишилар ташкил этаяпти, десак асло ажабланманг. Эртага бу кўрсаткич янада ортади...

Сиз чўлда унинг мард, танти ва дилкаш одамлари билан ҳеч суҳбат қурганмисиз. Йўлингиз тушса албатта, келинг. Улар сизга бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида бажонидил сўзлаб беришади.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТОШКЕНТИМ - ОБОД ШАҲРИМ!

*«Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Пойтахт маҳаллалари фаоллари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш ва кўркамлаштириш борасидаги масалалар муҳокама этилди.*

*Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, айниқса, Тошкентда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, пойтахтимиз ўзида миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини уйғунлаштирган бир-биридан муҳташам бино ва иншоотларга бой гўзал шаҳарлардан бирига айланди.*

*Шундай экан, шаҳримизни янада обод этиш, чиройига чирой, кўркига кўрк қўшиш баробарида уни озода, саранжом-сариштa тутиш бу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Шу мақсадда мунтазам равишда ҳашар ўтказиш йўли билан ободонлаштириш ишларини янада кенгайтиришга қарор қилинди. Хусусан, маҳаллалар, туманлараро махсус танловлар ўтказилади.*

**(ЎзА).**

# МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**(Боши 1-бетда).**

Дафн кунидан бошлаб узоғи билан уч кунга қадар мотам тутишга динимиз рухсат беради. Шу кунлари жанозага кела олмаганлар мусибат етган хонага ёки маҳаллага маросимлари учун ажратилган жойларга келиб, марҳумнинг яқин қариндошларига таъзия билдириб кетишлари мумкин.

Ўтганларни ёдлаш ва руҳларига дуои хайр қилиш жоиз, лекин бу ҳайит байрамига таъсир кўрсатмаслиги даркор. Мўмин-мусулмонлар фақатгина шу Рамазон ҳайити кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомалаю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг уларга берган неъматларидан хайр-эҳсон этишлари керак. Саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мискину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир.

Хайру саховат деганда Ислом нуқтаи назарида жуда кўп маънолар тушунилади. Масалан, баъзи кишилар маънавий ёрдамга муҳтож бўладилар, уларга яхши сўзлар айтиш орқали кўнглини кўтариш билан меҳр кўрсатсак, яна баъзи кишилар моддий томондан қийинчиликка учрайдилар, уларга эса қўлимиздан келганча моддий ёрдам бериб саховат кўрсатамиз. Мана шу ишимиз билан Парвардигорнинг ҳузурида ўз бурчимизни адо этган бўлиб, эвазига улуғ ажру мукофотларга эришамиз. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинадики: **«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ эҳсон қиладиган кишилар мисоли худди ҳар бир бошоғидан юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда).**

**Аллоҳ истаган кишиларга бир неча баробар зиёда қилиб беради. Аллоҳ (фазли карами) кенг билгувчидир». (Бақара - 261)**

Жумладан Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам марҳамат қилиб, ҳадисларида айтдиларки:

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бева ва мискинга ғамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилувчи ёки туни билан ибодат қилиб куни билан рўза тутувчи кишидир».

Мана бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (с.а.в.) бева ва мискинларга ёрдам, меҳр-мурувват қилиш кераклиги ва бунинг эвазига Исломда энг аҳамиятлик ибодат, савобга эга бўлишлигини таъкидлаганлар.

Имом Ғаззолий (р.а.) айтдиларки: «Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан - раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати ва муҳтожлар дуоси».

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, уларни дини, миллатидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу жамиятнинг бирлигига, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: «Арабларнинг ажамлардан ва ажамларнинг араблардан, оқнинг қорадан ва қоранинг оқдан тақводан бошқа ортиқ ери йўқ. Сизларнинг отангиз ва онангиз битта, ҳаммаларингиз улардан тарқалган инсонларсиз. Одам Ато эса тупроқдан яралгандир. Сизларнинг Аллоҳ ҳузурида ҳурматлироқларингиз тақводор бўлиб, эзгу ишларни кўпроқ қиладиганингиздир».

Эзгу савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак. Диёримизда туғилиб, камолга етган Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий сингари улуғ алломаларимиз хотираси ва меросига нисбатан мисли кўрилмаган ҳурмат бажо келтирилиши нафақат биз - ўзбекистонлик мусулмонлар, балки бутун дунё мусулмонларининг таҳсинига сазовор бўлди. Уларнинг муборак хоклари ётган ерлар зиёратгоҳ қадамжоларга айлантирилди. Энг муҳими, соф ислом таълимоти - аждодларимиз ўгити яна ҳаётимизга қайтди.

Муқаддас Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилига таржима қилиниши, ҳадиси шарифларнинг тўла нашр этилиши, алломалар маънавий ўгитларининг **халқимизга етказилиши Аллоҳ бизнинг қалбимизга, юрагимизга сингиб кетганлигининг ёрқин ифодасидир.**

Ислом дини бирон-бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, унинг ҳаётбахш таълимоти, аввало, инсонни энг азизу мукаррам зот сифатида эъзозлайди. Унинг маънавий камолотига ва ҳаётий манфаатларига хизмат қилади.

Инсон - Аллоҳ таоло яратган барча жонзотларнинг энг шарафли, азиз ва мукаррами бўлиши билан бирга масъулиятли ва зиммасида муҳим вазифалари кўп бўлган зотдир. Парвардигор Қуръони каримда марҳамат қилиб шундай дейди: **«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам қилиб, уларни қуруқлик ва денгизда юрадиган қилиб қўйдик ҳамда ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик» («Ал-Исро», 70).**

Аллоҳ таоло инсонни яратиб, руҳ билан бирга ақл-идрок бахш этган.

Парвардигор инсонларнинг мўътадил ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун лозим бўлган моддий бойликларини яратадики, унинг бу неъматларининг ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Қуръони каримда: **«Аллоҳ берган неъматларини санаб саноғига етолмайсизлар» деса, («Иброҳим», 34) ёки бошқа оятида эса: «Берган неъматларимга шукр қилсангиз, албатта, уларни янада зиёда қилурман, агар куфрона неъмат қилсаларингиз, албатта, азобим жуда қаттиқдир» («Иброҳим», 7).**

Унинг бу улуғ марҳаматига шукрона этсак, шунда берган неъматлари янада зиёда бўлади.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда Яратганнинг берган неъматларига куфр келтирган ҳолда жаҳоннинг турли ҳудудларида террорчиликнинг ёвуз кўринишлари кучайиб бормоқда. Бегуноҳ одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар жойларни портлатиш, босқинчилик, кўпорувчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш, қўрқитишга қаратилган тажовузкор ҳаракатлар авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмоқда.

Ваҳоланки, Қуръони каримда бир бегуноҳ одамни ўлдириш -бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Шунинг учун ҳам ўзини «ҳақиқий мусулмон» деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши хунрезлик ва қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка ҳеч қандай дахли йўқлигини ҳамма билади.

Бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига қарши эмас, балки, халқаро терроризм ва унинг «доҳий»ларига қарши, уюшган тўдалар ва экстремистик марказларга ва уларнинг уяларига қарши эълон қилинган кураш, деб тушуниш даркор.

Шуни яхши билмоғимиз зарурки, террорчи ва экстремистлар соф динимизга путур етказиш пайида бўлган ғаламис ғанимлардир. Демак, сира лоқайд бўлмасдан, уларга қарши ҳар лаҳзада зарба беришга тайёр турмоғимиз шарт. Муқаддас динимизни ўзини «чин мусулмон» деб даъво қилаётган ёвуз кучлардан, ҳар қадамда жиҳод деб оғиз кўпиртириб, дин номидан бузғунчилик қилаётган қонхўр ва қотиллардан асраш керак.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: «Айнан шунинг учун ҳам, бугун биз яна дину диёнатимиз ҳимояси йўлида қатъий туришимиз: «Эй ватандошлар, биродарлар, динимизни, имонимизни асрайлик», деб, баланд овоз билан айтишимиз керак». Зеро, «Ислом дини номидан кўпорувчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир имонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир».

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи фуқароларимиз учун катта қулайликлар яратилмоқда.

Рамазон ҳайити ва Курбон ҳайити кунлари дам олиш кунлари этиб белгиланган. 1990 йилдан бошлаб Ҳайит кунларини мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлаш ҳақида давлатимиз раҳбарининг махсус қарорлари ҳам чиққан.

1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили» ва 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2002 йилнинг эса «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчил эканлигини кўрсатиб турибди. Халқимиз «қариси бор уйининг париси бор» дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Қарияларнинг дуосини олиб яшайдиган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайдилар.

Аллоҳ таолонинг ҳақ китоби Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларида энг азиз ва мўътабар бўлган зот аёлларимиз - яъни оналаримиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизни эъзозлаб, ҳурматларини жойига қўйиш бир неча бор таъкидлаб ўтилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди: **«Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди. Токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир» (Рум сураси, 21-оят).**

Аллоҳ таоло бу билан оила, никоҳнинг нақадар муқаддаслигини эслатмоқда. Оила - жамият таянчидир. Уйланиб, оила қуриш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатларидандир.

Ҳаётимизнинг кўрки, оилаларимизнинг чароғонлиги, турмушимизнинг фаровонлиги, оила бахти, унинг мустаҳкамлиги, фарзандларимизнинг камоли мунис оналаримиз, аёлларимиз шарофатидандир.

Бу улуғ айёмни элу юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро биродарлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олаётганимиз янада қувонарлидир.

Бугунги улуғ айём арафасида «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мурожаат қабул қилиб, ободонлаштириш ойлигини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу хайрли ишга бош бўлиб, мурожаатномани қўллаб-қувватлади.

Муҳтарам биродарлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу тадбир Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Поклик -имондандир», деган ҳадисларига ҳамоҳангдир. Ана шу хайрли ишда барчамиз елкама-елка туриб, юртимиз озодалигини таъминлашда жонбозлик кўрсатсак, катта бир савобга дохил бўлар эдик.

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимиз ва барча фуқароларимизни чин дилдан муборакбод этамиз, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Аллоҳ таборака ва таоло ўлкамизга осойишталик, халқимизга файзу баракот ато этсин! Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,**
**муфтий Абдурашидқори БАХРОМОВ**
**(ЎзА)**



Йўл қуриш, кўприк қуриш одамлар узоғини яқин қилиш савоб иш. Косон автомобил йўллар бошқармаси механизатори Равшан Қораев ҳам йўлларимизнинг равон бўлишида ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир.

**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.**

## МУРУВВАТ

Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгаши кутлуғ Рамазон ойининг файзли кунларида меҳнаткашлар, айниқса, якка-ёлғиз кекса, ногирон, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиб, меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозиргача касаба уюшмалари ҳамда ташкилот, корхона, муассасалар томонидан беминнат ёрдам кўрсатилган жамоалар сони 50 дан ошиб кетди.

Биргина Ғиждувон туманидаги 32-Меҳрибонлик уйига 360 минг сўмлик кийим-кечак, 60 минг сўмлик спорт жиҳозлари, 6,4 минг сўмлик дори-дармонлар, 50 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбиянувчилари ҳам касаба уюшма ташкилотлари томонидан 200 минг сўмликка яқин совға-саломлар билан сийланишди. Кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 292,2 минг сўм маблағ сарфланди.

**Дилором ХУДОЁРОВА,**
**жамоатчи мухбир.**

### *Касаба уюшма ҳаёти*

# САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИГА КЎМАК

***Туман аҳолисининг саломатлигини муҳофаза этиш йўлида қишлоқ тиббиёт шохобчаси, поликлиника, 24 та даволаш бўлими, 65 та фельдшер-доялик пункти, 1 та туғруқхона мажмуи беминнат хизмат кўрсатмоқда.***

Биз, туман марказий шифохонаси маъмурияти билан 2000-2002 йиллар учун жамоа шартномасини қабул қилиб, унинг ҳар бир банди тўла бажарилишига ҳаракат қилаётирмиз. Айниқса, хотин-қизларимизга берилиши кўзда тутилган имтиёзлар ўз вақтида таъмин этилмоқда. Шартномага асосан, энг аввало уларнинг уйларидаги электр энергияси учун 2 миллион 300 минг сўм, табиий газдан фойдаланганликлари учун 4 миллион 300 минг сўмлик маблағни тегишли идораларга ўтказиб бердик. Барча ходимларимиз ёзги ва қишги мавсумлар учун бепул кийим-бош билан таъминланган.

Бундан ташқари тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан ижтимоий кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимларни ҳар доим моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган. Кўнгилли ҳордиқ ҳар қандай юмушнинг бажарилишига кўмак беради. Тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан юзлаб ходимлар республика ва вилоят миқёсидаги сиҳатгоҳ ҳамда дам олиш уйларида бепул ҳордиқ чиқаришди.

Тармоқ қўмитаси спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ҳар бир байрамда спорт тадбирлари ўтказиб турилишидан ташқари, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан волейбол, югуриш, шахмат-шашка каби турлар бўйича ўтказилган мусобақада 40 нафардан ортиқ ходим иштирок этди. Улар орасида шахматчи Маражаб Суюндиқов, арқон тортишда фельдшер Қосим Мухторов ҳамда волейболчи жамоамиз вакиллари вилоят спартакиадасида иштирок этиб, республика биринчилигига йўлланма олишди.

**Шарофат РАҲМОНОВА,**
**Шеробод туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ИНТЕГРАЦИЯНИНГ БАЛАНД МАВҚЕИ

Белгия пойтахти Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг саммити бўлиб ўтди. Унда қатнашган мамлакатларнинг вакиллари очиқ мулоқотда келажак манфаатлари жаҳон давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқа ва ҳамкорликларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, мазкур саммитда Европа Иттифоқининг кенгайиши, Европа мудофаа тизимини ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУҲБАТ

АҚШ президенти Жорж Буш Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи билан телефон орқали суҳбатлашиб, халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш масалаларини муҳокама қилди. Ж.Буш Ҳиндистон парламентида содир этилган кўпорувчиликни қоралаб, Оқ уй маъмурияти ушбу жиноят сабабчиларини аниқлашда расмий Деҳлига ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

## ФАВҚУЛОДДА МАЖЛИС КЕЧИКТИРИЛДИ

Мисрда араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Яқин Шарқ муаммоси бўйича ўтказилиши режалаштирилган фавқулодда мажлиси келаси йилнинг 4-5 январ кунларига қолдирилди. Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Моҳир Фаластин раҳбари Ёсир Арофат, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳамда Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин билан мулоқотда бўлиб, ана шундай қарорга келган.

## ЁН БОСИЛМАЯПТИ

Исроил ҳарбий вертолётлари Фаластиннинг Урдун дарёси ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасидаги бир неча шаҳрига яна зарба берди. Хабарларга қараганда, айниқса, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат қароргоҳи жойлашган Рамаллоҳ шаҳрига кучли зарбалар берилган. Бундан шаҳар инфратузилмаси жиддий талофат кўрган, хавфсизлик ва полиция хизматига қарашли бинолар вайрон бўлган. Шунга қарамай, Ё.Арофат Исроил бош вазири Ариэл Шаронни икки ўртадаги вазиятни юмшатиш мақсадида мулоқот қилишга чақирди. Аммо А.Шарон ҳозирча ҳеч қандай ён босилмаслигини таъкидлади.

## ҚИЗЧА ЖАСОРАТИ

Бошқирдистоннинг Бирск туманидаги Печенкино қишлоғида истиқомат қилувчи хонадоннинг уйи тунда ёна бошлади. Бунинг сабаби ота-она тўрт яшар Настяни саккиз ойлик сингилчаси ва икки яшар укаси билан уйда қолдириб, меҳмондорчиликка кетишган эди. Дафъатан печкадан чиққан аланга ҳамма ёқни бирдан ямлай бошлади. Настя ўзини йўқотиб қўймади. Аввал синглисини, сўнгра укасини ёнаётган хонадан ташқарига олиб чиқди. Кейин қўшниси — Зоя бувиникига югурди. Йиғилганлар оловни ўчиришга улгура олмадилар. Уй ёниб, кул бўлган эди.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, аҳлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳоли бўлиши керак.

Ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улардан бири бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг аҳлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Агар ота-она манфаатлари болалар манфаатларига нисбатан қарама-қарши қўйилган бўлса ва ота-оналарнинг болалар манфаатини ҳимоя қилишда қонуний вакил бўлмасликлари айтилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқининг болалар манфаатига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмаслиги ҳақида гап юритилади.

Ҳар бир ота ва она ўзининг вояга етмаган болаларини жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш учун уларга доимо ғамхўрлик қилиб бориши керак. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил этади.

Ота ва она ўзларининг вояга етмаган болаларига бўлган ота-оналик ҳуқуқларини болалар манфаатига зид тарзда амалга оширмасликлари керак. Вояга етмаган болаларга нисбатан ота-оналик ҳуқуқи фақат уларнинг ўз ота-оналари, фарзандликка олганлар томонидан амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқи вояга етмаган, ўн саккиз ёшга тўлмаган болаларга нисбатан татбиқ қилинади. Ота-оналар, фарзандликка олганлар, вояга етмаган болаларнинг иқтисодий, ижтимоий, шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайдилар.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларига, уларнинг аҳлоқий камолотига зарар етказилмаган ҳолда ташкил этилиши керак. Болаларни тарбиялаш усулларини танлаш ота-оналарнинг ўзаро келишуви асосида бўлиши керак. Вояга етмаган болаларга жисмоний ва руҳий таъсир қилмаслик, боланинг инсоний қадр-қимматини пастга урмаслик, улар билан қўпол муомалада бўлмаслик, ҳақоратлаш, менсимаслик ва шафқатсиз муомалада бўлиш каби салбий иллатларни бола тарбиясида қўлламаслик ота-онанинг мажбурияти сифатида қабул қилиниши керак.

...Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда қонун талабларидан четга чиқишга, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига зид ҳаракат қилиб, уларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қонунда назарда тутилган тартибда ота-оналарнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

Ота ёки онанинг хатти-ҳаракати боланинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф солган ҳолларда, уни ота ёки она тарбиясидан олиш, тегишли тарбия муассасаларига жойлаштириш сингари усуллар билан ота-оналарнинг вояга етмаган болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш назарда тутилади.

Ота-оналарнинг бола тарбиялаш ҳуқуқи, айни вақтда уларнинг мажбурияти ҳисобланиб, вояга етмаган болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар ота-оналарнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади. Бунда ота-оналар ҳамма вақт болалар манфаатини ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда иш тутишлари керак.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш услублари, асосан, бола кимнинг қарамоғида бўлишидан қатъи назар, ота ва она томонидан биргаликда танланади. Ота-она ўртасида мавжуд бўлган барча келишмовчиликлар, манфаатдор тарафнинг талаби бўйича васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан кўрилиб ҳал қилинади.

Никоҳнинг бекор қилиниши ёки бошқа сабабларга кўра, эр ва хотин алоҳида яшаганида, вояга етмаган болаларнинг ким билан яшаши ва бола тарбиялашда ота-онадан ҳар бирининг иштироки ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилиниши керак.

Вояга етмаган боланинг ким билан яшаши масаласини ҳал қилишда ота-она ўртасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда, масала васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд томонидан, манфаатдор шахснинг талаби бўйича кўрилиб, амалга оширилади.

Вояга етмаган бола кимнинг қарамоғида бўлиши масаласини ҳал қилишда васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд, биринчи навбатда, вояга етмаган боланинг манфаатларини ҳисобга олади. Бундан ташқари, бола ота-онадан қайси бирига кўпроқ яқин боғланганлигини, шунингдек, ўша ота (она)нинг ёши ва болага тарбия беришни қандай ташкил қилиши, мутахассислиги, оилавий аҳволи, яшаш-туриш шароити, моддий ва маънавий аҳволи ва боланинг тарбияси учун бошқа қандай имконият ва шароит яратиши ҳисобга олиниши керак.

Шу билан бирга, боланинг фикри, агар ака-ука, опа-сингиллари бўлса, улар билан руҳий боғланишлари ҳам ҳисобга олиниши шарт.



*Дон — ризқ-рўзимиз. Уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Ана шу хайрли ишдан қонун ҳимоячилари ҳам четда қолаётгани йўқ.*

*Суратда: Косон туман ИИБ ходими милиция капитани Ч.Жабборов посбонлар билан майсазарни кўздан кечирмоқда.*

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

# БАРЧА УЧУН БАРОБАР

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик ва уни ҳимоя қила олайлик*

## Ўқиб-ўрганган қоқилмайди

Қонунларни чуқур ўрганиш, унга суяниш ҳаётда кўп асқотади. Ана шу оддий ҳақиқатни англашимизда, афсуски, ҳамон сусткашлик ҳукм сураяпти. Бунга мисоллар етарли. Жумладан, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашига ёзма шикоят билан келган пенсионер Мария Худойқулованинг айтишича ўғли Дамир бир йилдан ортиқ муддат мобайнида ишлаб бирор сўм ҳам маош олмасдан вазифасидан озод этилган. Хўш, бу ҳолат қай тариқа юз берди. Маъмурият, бошланғич касаба уюшма ташкилоти қаёққа қарашди экан?

Дамир Худойқулов меҳнат қилган 25-автобус саройи ҳиссадорлик жамиятида автотранспортчилар кўп ижобий ишларни амалга оширганликлари рост. Қолоқлик барҳам топиб, мўмай фойда ҳам олинаётир. Аммо Худойқуловни қўлига қалам тутишга мажбур этган бу эмас, балки жамоада меҳнат қонунларининг қўпол тарзда бузилаётгани бўлди. Яхшиси, бу ҳақда батафсилроқ тўхталайлик.

Ўтган йил 25 июлдаги 60-сонли буйруққа асосан Д.Худойқулов корхона 2 автосаройига ҳайдовчи вазифасига ишга қабул қилиниб, шу йилнинг 27 сентябригача ишлаган. Бироқ энг ачинарлиси, унинг меҳнат қилган кунлари учун табел ҳам тузилмаган, бирор сўм иш ҳақи ҳам ёзилмаган. Ҳатто маъмурият ва ходим ўртасида ёзма меҳнат шартномаси имзоланмаган ҳам. Хуллас, шунча муддат унга ҳеч ким ё маош тўлаш ёки фаолиятига чек қўйиш таклифини билдирмай келган. Касаба уюшма аралашуви билангина қонунсизликка чек қўйилди.

— Меҳнат кодексининг 110, 154 ва 159-моддаларига асосан Д.Худойқуловга 67402 сўм миқдоридаги ойлик маошини ундириб бердик, - дейди касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқий бўлими мудири Жанна Цой. — Текширишда аниқландики, жамоада меҳнат қонунлари талабларига риоя этишда ўзибўларчиликка йўл қўйилган, яъни корхонада ходимлар ўзларига тегишли буйруқлар билан таништирилмайди.

Шу йилнинг ўтган чорагида мазкур бўлимга 43 та ана шундай ариза ва шикоятлар келиб тушган. Буларнинг барчаси тегишли тарзда ҳал этилди. 29 та корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилиб, улардан 25 тасига амалий ёрдам кўрсатилган.

Шунингдек, касаба уюшма аралашуви билан ойлик маошларини вақтида ололмаётганларга 170600 сўм миқдордаги иш ҳақидан қарздорлик ундириб берилди.

— Ўтган тўққиз ойда 9 нафар фуқаро иш ҳақини ололмаётгани тўғрисида мурожаат қилди, - дейди Кенгаш меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Моҳира Умарова. — Уларнинг барчаси ижобий якун топди. 2 нафар ходим ўз иш жойига тикланиб, мажбурий бекор юрган вақти учун 75716 сўм ундириб берилди.

Қонун барча учун баробар. Унинг талабига риоя этмаслик эса катта хатоликдир. Бу борада изланган, интилган, ўқиб-ўрганган сира афсус қилмайди. Зеро, қонунни билган сира қоқилмайди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ШИКОЯТ ИЗСИЗ ҚОЛМАДИ

Зубайда Жумаева «Бухороматлуботсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Наврўз» ишлаб чиқариш корхонасида бинойидек ишлаб келарди. Жорий йилнинг бошида уни раҳбар ҳузурига чақиришди. У эса томдан тараша тушгандек, Зубайданинг қўлига огоҳлантириш хатини тутқазганда, ходима бир оз ўзини йўқотиб қўйди.

— Сизни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда II-қисм 1-бандига биноан огоҳлантиришни лозим кўрдик, — деди унга жамоа етакчиси М.Бобоева.

Бир оздан сўнг қўшимча қилди:

— ... Ходимлар сони, штати ёки иш хусусиятини ўзгаришга олиб келган ишлар ҳажмини қисқарганлиги ёхуд корхона тугатилганлиги тўғрисидаги фикрлар қайд этилган унда. Бундан хабарингиз бўлса керак.

Зубайда елка қисиб аста ташқарига чиқди. У қўл қўйиб олган қоғози ва ариза билан тўппа-тўғри Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат этди. Ҳуқуқий инспекция бўлим бошлиғи М.Шомуродов унинг аризасини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқди. Текшириш жараёнида Зубайда Жумаевага штат қисқариши баҳонасида ишдан бўшатиш мақсадида огоҳлантириш хати берилганлигига ҳеч қандай асос йўқлиги равшан бўлиб қолади. Шу тариқа вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аралашуви билан З.Жумаева ўз ишини давом эттирадиган бўлди. Маъмурият томонидан берилган огоҳлантириш хати бекор қилинди.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ТАРБИЯ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

***Ўтган йили Балиқчи туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси Ж.Қодирова ўз ўқувчисининг узоқ вақт дарсларга сабабсиз келмаётганлиги тўғрисида онаси Ш.Ҳакимовани огоҳлантириб қўйиш мақсадида унга икки энлик хат йўллайди. Буни қарангки, хатни ўқиган она фарзандининг камолини, келажагини ўйлаш ўрнига, қизини мактабга жўнатмай, аксинча, ўқитувчи Ж.Қодировага жавоб хати йўллаб, уни ўз уйига таклиф этади. Оққўнгил муаллима ўқувчисининг уйига кириб келгач эса ғазабланган она уни калтак билан «меҳмон» қилади. Иш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар орқали судга чиқарилади...***

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Унда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш, гиёҳвандлик ҳамда ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик, турли зарарли гуруҳлар таъсирига тушиб қолишларга қарши курашни кучайтириш лозимлиги таъкидланган.

— Шундан келиб чиққан ҳолда туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, соғлиги ҳамда ижтимоий муҳофазасини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар умумлаштирилиб, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилаётир, — дейди туман прокурори Абдужамол Турғунов. — Камчиликлар эса талайгина. Жумладан, тумандаги Эски Ҳаққулобод қишлоғида жойлашган, 260 нафар ўқувчига мўлжалланган 9-махсус мактаб-интернатда ўтказилган текширишда 695 та сочиқ, 194 та кўрпа ғилофи, 9 та ёстиқ жилди, 190 та адёл, 124 та чойшаб, жами 1212та буюм камомади аниқланди. Ўқувчиларга берилиши лозим бўлган озиқ-овқатлар белгиланган меъёрдагидан анча оз эканлиги ҳам қайд этилди.

Туманда 14 дан 18 ёшгача бўлган ёшлар 7 минг нафарни ташкил этади. Шу боис вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳига ўнлаб педагоглар, ота-оналар, маҳалла посбонлари, участка шифокорлари, «Камолот», «Соғлом авлод учун» каби нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб этилган. Лекин уларнинг кучидан етарлича фойдаланилмаяпти. Оқибатда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар камаймаяпти. Жумладан, ёшларнинг 4 нафари майда безорилик, 6 нафари ташмачилик, 150 нафар дайдиб юрганлиги, 66 нафари шахсини аниқлаш мақсадида, ИИБ га олиб келинган. Уларнинг беш нафари устидан жиноий иш қўзғатилди, 96 нафарига нисбатан ҳужжатлар туман ҳокимлигининг

*Кейинги пушаймон...*

«Вояга етмаганлар билан ишлари бўйича комиссия»сига ва қарийб ўн нафарига оид иш мактаблар ва маҳаллаларга муҳокама қилиш учун юборилган.

Ўсмирлар ўртасида жиноятчилик камаймаётганлиги ниҳоятда ташвишланарли ҳолдир. Мисол учун, ёзнинг бошларида Ҳ.Эргашева номли ширкат хўжалигида яшовчи, 5-гимназия ўқувчиси Ҳабибулло Темиров ўз амакисининг қизи, 14 ёшли Малика Темированинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлди. Бу фожеа катталарнинг лоқайдлиги оқибатида юз берди.

Албатта, истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, туманда ёшларнинг бекор юрмасликлари олдини олиш мақсадида «Ёшлар маркази» клуби ташкил этилаётир. Унда қишлоқ ёшлари қонунлар, фармонлар, ҳуқуқий ва бадиий адабиётлардан бемалол, яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Марказни Интернет тармоғига улаш орқали жаҳондаги илғор кутубхоналар ва бошқа илм масканлари ҳазиналаридан фойдаланиш имкони ҳам яратилади. Лекин булар денгиздан томчи, холос.

Кўнгилсиз воқеаларга сабаб вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг сустлиги, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ҳуқуқий, маданий ва маърифий таълим беришни такомиллаштириш борасидаги дастурнинг айрим ҳолларда қоғозда қолиб келаётганлигидадир. Қолаверса, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот», «Маҳалла» нодавлат ташкилотларининг фаолияти ҳам талаблар даражасида, деб бўлмайди. Туман прокуратураси томонидан тегишли хўжалик, ташкилотларга юқоридаги ҳолатлар юзасидан тақдимномалар киритилди.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ФИРИБГАРНИНГ "ПАРВОЗИ..."

***1954 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилган Ҳамдам Дўстовнинг исми жисмига монанд бўлиб чиқмади. У Самарқанд вилоят хўжалик суди ҳамда Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ходимларини қалбаки ҳужжат асосида чалғитиб Деҳқон бозоридан "Наврўз" масъулияти чекланган жамияти ҳисобига 108 минг сўм ижара ҳақи ундиришга муваффақ бўлди. Ҳамда бозор ҳудудидаги 1 та павилон, 18 та гўшт дўкони ва яшил бозор ҳудудидаги 14 та гўшт дўконларига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди.***

Яхшиямки Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ходимлари ҳушёрлик қилишди. Агар қонун ҳимоячилари унинг қилмишларини ўз вақтида фош этмаганларида ким билади бу фирибгарнинг кейинги "парвози" қай йўсинда давом этарди.

- Ҳамдам Дўстов 1995 йилдан "Наврўз" масъулияти чекланган жамият раҳбари вазифасида ишлаб келган, - деди Каттақўрғон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Шаҳобиддин Обидов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Лекин бу унга камлик қилган шекилли, ўз ваколатини кенгайтириш мақсадида қалбаки ҳужжат тайёрлаган.

Шаҳар прокурорининг таъкидлашича, жиноятчи Деҳқон бозори тасарруфидаги 17 та гўшт дўконини шаҳар кооператив савдо идораси ихтиёрига ўтказиш ҳақида қалбаки далолатнома тузган.

Бу қалбаки ҳужжатга комиссия аъзолари сифатида Деҳқон бозорининг собиқ директори И. Раҳмонов, шаҳар кооператив савдо идораси директори А. Тўхтаев ва ўзи номидан ўзи имзо чекади. Ва ушбу қалбаки ҳужжатни 1999 йилда яшил бозор ҳудудидаги 14 та гўшт дўконлари учун Деҳқон бозоридан ижара ҳақи ундириш учун Самарқанд вилоят хўжалик судига тақдим этади. Муҳр билан тасдиқланган ушбу ҳужжатнинг ҳақиқий-ҳақиқий эмаслигидан заррача шубҳаланмаган хўжалик суди ходимлари Деҳқон бозоридан "Наврўз" масъулияти чекланган жамияти ҳисобига 108 минг сўм ижара ҳақи ундиришга ажрим чиқарадилар.

Муваффақиятдан илҳомланган фирибгар бу билан чекланмайди. Ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, тайёрлаган қалбаки далолатномаси асосида Деҳқон бозори ҳудудидаги 1 та павилон, 18 та гўшт дўкони ва яшил бозор ҳудудидаги 14 та гўшт дўконидан фойдаланиш, қабул қилиш ва эгалик ҳуқуқини тан олиш ҳақида шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилади. 2000 йилнинг 6 июнида шаҳар ҳокимининг 401-К ва 402-К – сонли эгалик ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги қарорини чиқаришга эришади.

Лекин фирибгарнинг "парвози" узоққа бормади. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси криминал экспертизаси 2001 йилнинг 15 августида Каттақўрғон шаҳар прокуратурасига 362-рақам билан 1986 йилнинг 23 август кунидаги далолатномадаги А. Тўхтаев имзоси қалбакилаштирилган ҳолда Ҳ. Дўстов томонидан бажарилганлиги ҳақида хулоса беради. Прокуратура топшириғига кўра "Деҳқон" ҳиссадорлик жамияти билан "Наврўз" масъулияти чекланган жамият ўртасидаги мол-мулк низоси асосида ҳужжатли тафтиш ўтказган Абдикамол Болиев Ҳ. Дўстов "Яшил бозор" ҳудудида жойлашган 14 та гўшт дўконини ва бозор ҳудудида жойлашган 1 та гўшт-сут павилонини бозор балансидан қабул қилиб олиш далолатномасини тақдим эта олмади, деб кўргазма беради. Бундан ташқари улар бозор балансидан чиқарилмаган ва бугунги кунга қадар ана шу бозор балансида бўлган. Бозор ҳудудидаги 17 дона дўкон эса бозор ишчилари ва қассоблар томонидан ҳашар йўли билан қурилган бўлиб 1997 йилда бозор балансига ўтказилганлиги аниқланган. Ҳа, халқимизда "Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодур" деган нақл беҳуда айтилмаган. Юртимизда қонунлар ва уларнинг одил ҳимоячилари бор экан, нафс бандасига айланган кишининг тақдири ҳамиша шундай бўлади. Элу юрт олдида юзи шувит бўлгани қолади.

**"Туркистон-пресс"**

# ЎЗБЕК РАССОМИ - ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

***ЮНЕСКОнинг Токио шаҳрида жойлашган Осиё ва Тинч океан минтақаси маданият маркази /ACCU/ ҳар йили турли мавзуларда халқаро фототанловлар ўтказиб туради.***

Бу йилги танлов «Халқлар ва либослар» мавзуига бағишланди. Нуфузли ҳайъат ЮНЕСКОга аъзо 27 давлатдан юборилган ранг-баранг фотосуратлардан 7648 тасини танлов учун ажратиб олди. Ғолиблар орасида таниқли рассом ва бадиий фотосурат устаси, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиевнинг «Момолар» деб номланган асари ҳам бор. Бу сурат ҳам энди совриндор ишлар қаторида Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйлаб ташкил этиладиган кўчма кўргазмадан ўрин олади.

Санъат мухлислари Т.Қўзиевни рангтасвирчи рассом сифатида яхши билади. Бироқ ижодкор узоқ йиллардан бери бадиий сураткашлик билан ҳам шуғулланиб келади. Муаллифнинг Ўзбекистон тарихи ва бунёдкорлиги, маданияти ва маънавияти ифодаланган ҳамда ҳақиқий санъат асари даражасига кўтарилган фотосуратлари кўргазмаси хорижий давлатларда бир неча бор намойиш этилган. Унинг ижодий сафарлар чоғида суратга туширилган ҳамда Ҳиндистон ва Япония мамлакатлари маданияти, табиат манзаралари акс эттирилган «Ҳиндистон - қадим маданиятга эҳтиром», «Япония - келажакка ўтган анъаналар» деб номланувчи фотокўргазмалари Марказий кўргазмалар залида мухлислар хукмига ҳавола этилган.

- Халқаро танлов ташкилий қўмитасига кекса онахонларимиз ҳаёти, ҳунармандчилигига бағишланган тўртта сурат юборган эдим,- дейди Т.Қўзиев. - Турмуш аччиқ-чучукларини тотиб кўрган, чеҳраларида ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари ифодаланиб турган тўрт нафар кекса аёл тасвирланган «Момолар» сурати халқаро танловнинг афзаллик учун бериладиган «Окамото» совринига сазовор бўлганидан жуда севиндим. Айниқса, бу хушхабар куни-кеча муҳтарам юртбошимиз келгуси йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилган вақтга тўғри келгани янада қувончли бўлди.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ БАРПО ЭТИЛДИ

Қадимий Термиз бугунги кунда чинакамига бунёдкорлар шаҳрига айланди. Бу ерда бирин-кетин қад ростлаётган иморатларни кўриб шундай хулосага келасан киши. Яқиндагина янги темир йўл вокзали фойдаланишга топширилган эди. Энди яна бир муҳташам бино — Археология музейи қуриб битказилди.

«Сурхондарёқурилиш» тресте жамоаси ушбу хайрли ишда бош-қош бўлди. Музейни бунёд этишда 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Айни дамда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир. Шунингдек, тайёр хоналар кўргазмалар билан бойитилмоқда.

## *Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига*





*Суратларда: бунёдкорлар Шоназар Изиев, Отабек Сафаров ва Жаҳонгир Ғаффоровлар бамаслаҳат иш юритмоқдалар; Археология музейининг ташқи кўриниши.*

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Чавандозлик*

***От пойгаси — энг қадимий спорт турларидан. У дастлаб Миср, Бобил ва Сурияда ташкиллаштирилган. Машҳур шоир Гомер ўз асарларида милоддан аввалги 9-асрда бўлиб ўтган юнон фойтунлари пойгаси ҳақида ёзади.***

# ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒЛАР ДАРАСИ

Дала юмушлари бироз тинчиб, деҳқоннинг ташвишлари камайган кеч куз ва қиш ойларида юртимизда тўй-томошалар авжига чиқади. Қантарилган отлар қозиқлардан бўшатилиб, совитилади. Эпчиллик ва жасурлик рамзи бўлган қадим қадриятимиз кўпкари мавсуми бошланади. Кенг майдон узра давра баковулларининг жарангдор овозлари янграй бошлайди.

Қашқадарёда чавандозликнинг ҳадисини олган от ишқибозлари жуда кўп. Нишон туманидаги Автотранспорт идорасининг бошлиғи Собир Раҳимов ҳам ана шундай инсонлардан. У 16 ёшидан буён улоқ чопади. Ўйноқи тулпори кўпкариларда гўё кўкка учгудек талпинади. Чавандози ердан улоқни олиб, тақимига босиши билан у марра томон елдек учади. Шунингдек, қаршилик Тожи Бахтиев, деҳқонободлик Ўнгбой Суюнов, яккабоғлик Сувон Қудратов, ғузорлик Қўзибой Ибрагимов, нишонлик ака-ука Қудрат ва Раҳматилла Бекмаматовлар ҳам мана неча йилдирки, юзлаб чавандозлар даврасидан соврин олиб келишмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда вилоятда 17 минг бошдан зиёд йилқи бор. Яккабоғ туманидаги Жовли Бердиев раислик қилаётган «Ҳисор» ширкат хўжалиги яйловларида эса 700 бошга яқин от боқилмоқда.

— Йилқичиликни ривожлантиришнинг аниқ дастурини тузганмиз, - дейди хўжалик раиси. - Ҳар йили 150-160 бош қулун оляпмиз. Натижада иқтисодий самарадорлик ошиб, хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги яхшиланаётир.

Дарҳақиқат, ширкат хўжалигида боқилаётган қорабайир зотли отлар наслининг тозалиги, бақувватлиги, чидамлилиги билан ажралиб туради. Бундай отлардан халқ хўжалигида, от спортида кенг фойдаланилади. Дарвоқе, икки йил муқаддам ширкат хўжалигида илк бор республика миқёсидаги қорабайир отларининг кимошди савдоси ўтказилганди. Айни пайтда йилқичиликни янада ривожлантириш, отлар туёқ сонини кўпайтириш тадбирлари кўрилмоқда.

Кези келганда, айтиб ўтиш керак: собиқ иттифоқ йилларида йилқиларга, йилқичиликка, шунингдек, от спортига эътибор камайган эди. Шукрки, мустақиллик туфайли чавандозлик яна ўз қаддини тиклади. Яқинда вилоят йилқичилик-чавандозлик ва от спорти федерациясининг таъсис конференцияси ўтказилганлиги ҳам фикримиз исботидир. Зеро, йилқичиликни кенг йўлга қўйиш, наслчилик ишларини оқилона ташкил этиш, чавандозликни ривожлантириш пайти келди. Бунинг учун соҳа фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кези келганда, моддий-молиявий кўмак кўрсатиш даркор.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бу ҳақда "Авесто"да ёзилган*

***Табиатни шоирлар бежизга онага қиёс этишмайди. Чунки у ҳам она каби бағри кенг, меҳр-саховатлидир. Табиат ҳақида ўйлаганимда, хаёлимдан «Биз нега охирги пайтларда табиатга бунчалик бешафқат бўлиб қолдик?» деган ўй кечади.***



# ОНА КАБИ БАҒРИ КЕНГ, МЕҲР-САХОВАТЛИ

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»ни варақлаганимда, қадим аждодларимиз бундан роппа-роса 27 аср илгари табиатни асраш, муҳофаза қилиш ҳақида қайғурганлигига амин бўламан. Ота-боболаримизнинг табиатга бўлган юксак меҳри беихтиёр мени лол қолдиради.

«Авесто» нафақат диний асар, балки ижтимоий-фалсафий, маданий, тарихий аҳамиятга эга нодир қомусий китобдир. Унда шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, боғу роғлар, яйловларни кўпайтиришга оид жуда кўплаб диққатга молик фикрлар мавжуд. Хусусан, асарда ер, сув, замин, бадан, хона, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда қабристонларни шаҳар ва қишлоқлардан олисроқда жойлаштириш, ўраб қўйиш, мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш таъкидланади. Ерни ифлос қилган шахслар 400 қамчи уриш жазосига гирифтор қилиниши, одам яшайдиган хонада ювиниш ва чўмилиш қатъиян ман этилиши айтилади.

«Авесто»да тоза табиат қўйнида яшаган кишининг ўртача умри 800-900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароити, муҳитга қараб 1400 йилгача умр кўриши мумкинлиги уқтирилган. Бундан боболаримиз яшаган давр экологик жиҳатдан ниҳоятда соф бўлганлигини англаш қийин эмас.

Шу ўринда асардан яна бир нечта жумлаларни келтириш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлайман:

"Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун сақлашга бурчлидир;

- Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкумдир;

- Ҳар бир инсон кунига 5 маротаба ювиниб, покланиб, қуёшни олқишлаб сиғиниши керак;

- Тақводор киши ўт-олови ва сут-қатиғи, ичида хотини, болалари ва яхши чорваси бўлган уй қурган жой энг яхши жойдир».

Яқинда хизмат тақозоси билан нуфузли бир идорага қарашли тўрт қаватли ётоқхоналарнинг бирида бўлдим. Очиғи, ҳақиқий аҳволни кўриб бу ерда инсонлар яшаётганлигига ишонмадим. Юзлаб одамлар истиқомат қилаётган бинодаги яшаш шароити санитария талабларига мутлақо жавоб бермайди. Умумий ювиниш хоналарида жўмраклари синдириб ташланганидан 4-5 қувурдан сув оқиб ётибди. Йўлак ва зинапоялар чироқ йўқлигидан зимистон...

Айтгандек, дам олиш кунлари шаҳар атрофи ва тоғ ён-бағирлари «мазмунли ҳордиқ чиқарувчи»лар билан тўлиб кетади. Афсуски, дам олувчилар она табиат неъматларидан фойдаланадилар-у, унга нисбатан инсонларга хос бўлмаган муносабатда бўладилар. Дам олувчилар кетгандан сўнг ҳамма жой турли чиқиндилар билан тўлиб тошади. Юқорида табиатга нисбатан нотўғри муомалада бўлганларга нисбатан «Авесто»да билдирилган фикрлар хусусида тўхталдик. Ажабки, уларнинг бу хатти-ҳаракатларини баҳолайдиган, намуна оладиган кишининг ўзи йўқ.

Ўйлашимча, ота-боболаримиз яшаш тарзи — «Авесто»дан ўрнак олсак, ушбу асарни ўқиб-ўргансак, фойдадан холи бўлмасди.



**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар Бошқармасининг матбуот котиби.**

*Анъанавий турнир*

# КИМ КУЧЛИ?

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида қўл жанги бўйича бешинчи халқаро анъанавий турнир бошланди. Уни ўтказишдан мақсад жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, ходимлар касб маҳоратини ошириб, халқаро мусобақаларда қатнашиш учун энг кучли спортчиларни танлаб олишдан иборатдир.

20 декабргача давом этадиган мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шунингдек, Қозоғистондан келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари беллашмоқда.

**(ЎзА).**

***Оналарнинг кўз ёшига чидай олмайман. Йиғлаётган онани кўрсам, бардошим тугайди, юрагимдан нимадир узилгандек ўзимни ноxуш сезаман.***

***Ўзини Маҳбуба ая деб таништирган онахон эса алам-изтироб билан сўзлайди.***

# ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

## Афсуски, бу ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди...

— Соҳибахон билан 27 йилдан бери бир маҳаллада яшаймиз. Кўздек қўшнимиз. Бечоранинг чоли ўлди-ю, ҳаловати йўқолди. Қизи тушмагур ёшлик қилиб Онасининг уволига қолди. Отасининг тупроғи совимай уйни сотиб, онасини норизо қилди, кўчада сарсон қилиб қўйди. Нима қилай, данғиллама уйига сиғмаган дугонамни бир хонали кулбамга олиб келдим.

Ўша куни Соҳиба ая юрагини очиб сўзламади, фақат аччиқ-аччиқ йиғлади. Кетар чоғи қўлимга сарғайиб кетган икки варақ қоғозни тутқазиб, шунда бари ёзилган, ўқиб тушуниб оларсиз, деди...

«...Ўзим саводсиз бўлганим учун ушбу хатни бир танишимга ёздириб, бошимдан ўтган ташвишларни баён этдим, - деб бошланарди мактуб. - Токи дунёда бундан кейин бирорта Она ўз жигарбандидан жафо кўрмасин, токи бирор фарзанд Онаизоридан юз ўгирмасин.

Аввал бошдан мени кечиринглар...

Тўрт йил муқаддам эрим вафот этди. 45 йил бир-биримизни суяб, ардоқлаб яшадик. Якка-ю ягона фарзандимиз орзу-ҳавасини қилдик. Мурод дастурхонини ёзиб, элга тўй бердик. Худога шукр, қизим ўзига тўқ яшайди, бир ўғил, бир қизи бор.

Отаси ўтгандан кейин, қизимнинг феъли айниди, чолим билан яшаган икки хонали уйимни сотди. Отангни чироғини ўчирма деб насиҳат қилгандим, эри билан иккаласи уриб, кўчага ҳайдашди. Ўзлари эса беш хонали уйларининг устига менинг уйим пулини қўшиб, данғиллама ҳовли сотиб олишди.

Дунёда яхши одамлар кўп экан. Бир дугонам уйидан жой берди, таъмасиз маҳаллам суяб, ишонч қоғози ёзиб бериб, нафақа пулимни олишга кўмаклашди. Охири бўлмади, ҳакимни талаб қилиб, судга мурожаат қилдим. Судда менинг фойдамга ажрим чиқарилди. Йўқ, қувонолмадим, алам билан йиғладим. Мендек хўрланган онани ҳимоя қилган қонуншуносларни дуо қилдим. Ахир етти ёт бегоналар менга саховат кўрсатиб, адолатни тиклашди, кимсасиз қолганимда эгачи, қариндош тутиниб, меҳр кўрсатишди, ўз қизим эса...

Энди мен кимга таъна, кимга маломат қилай?!»

Мактубни минг изтироб, азоб билан ўқияпману, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг «Жаннат Оналар пойидадир» деган муборак сўзларига ҳамоҳанг «Аввал Онангга, яна Онангга, ва яна Онангга, сўнг отангга яхшилик қил» деган ҳадису шарифлари хаёлимга келаверади.

Ахир қачонлардир бу аёл ҳам жигарбанди бешиги бошида аллалар айтгандир, боласи йиғлаганда, кўкрагида сути ийиб, гўдаги томон чопгандир. Мана шу жароҳат изи қолган қўллари ила онаизор қачонлардир қизалоғига қўйлакчалар тикиб бергандир, сочларини силаб эркалагандир.

Соч тўйи, ёш тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйларига қизалоғига сарполар кийдириб, бошидан қувона-қувона сочқилар сочгандир.

Ўшанда онаизор еру осмонга ишонмай катта қилаётган қизи бир кун келиб ўз уйига зор қилишини ўйлаганмикин?

Бу ҳақда онахон билан кейинги учрашганимда сўрасам, у киши кўзларини ерга тикканча иқрор бўлди!

— Билмадим, тақдири пешонами — лекин нима бўлганда ҳам ўзимники ўзагимдан тортгани рост,-деди у, — Отаси раҳматли шу қизнинг орзуси йўлида елкаси яғир бўлиб ўтди. Қизим элнинг олди бўлиб юрсин деб сочим супурги, қўлим косов бўлди. Кўчадан чақмоқдай кийиниб келса, отаси иккимиз қувончдан теримизга сиғмасдик. Қизимизнинг рафторига маҳлиё бўлиб, кўзимизни туман қоплаган экан. Отасининг боши ёстиққа етганда биринчи марта бу ҳақиқатни сездик.

Раҳматли отаси уч кун ажал билан олишиб, қизига илҳақ бўлиб ётди. Неварагинам «Бобомнинг мазалари йўқ, келинг, сизни сўраяптилар», деб телефон қилди. Дийдори бақиёмат қолди, ота ризолигини ололмади. Ноқобил фарзанди йўлига термулиб, кўзи очиқ кетди чолимнинг.

Йиғиб-терганимизнинг кўпи дори-дармонга кетгани учун чолимнинг маъракасига камчилик бўлмасин деб қўшнилардан қарз олиб куёвимга бердим.

Отасининг еттиси ўтмай қизим кўч-кўронини йиғишга тушди. Бир кечаси ярим тунда машина олиб келиб, бор-будимни ортиб, уйига олиб кетди. Нафсониятимга тегса-да чидадим.

Бир кеча туш кўрдим, чолим уйни тополмай, қоронғуликда чироқ кўтариб юрганмиш. Ҳаловатим йўқолди. «Отангни чироғини ўчирмайман», деб уйга қайтдим. Не кўз билан кўрайки, уйим сотилган экан. Орим келди. Қарангки, ноинсоф қизим отаси ажал билан олишиб ётганда, уйни сотиш режасини қилиб, мени пропискадан ўчириб юборган экан... Мен ҳам одамман, тўрт кунлигим борми, йўқми, қизим шунинг андишасини қилмади, юзимга оёқ қўйди. Ўзи униб-ўсган уйни сотиб тузлуғига тупурди, бошини силаган қўлимни уриб синдирди...

Онахон шунча йиғлаб-сиқтаса ҳам бемеҳр қизининг исмини тилга олмади. Бу унинг қизидан кўнгли қолганиданми ёки андишасими, билмадик. Балки, бу илҳақ Оналик меҳридир. Биз ҳам онахонни қийнаб сўраб-суриштирмадик. Балки бемеҳр қиз мақолани ўқиб, сочлари оппоқ, ҳассага суяниб қолган волидасини меҳрига зор қилиб кўчага ташлаб қўйганидан уялиб, хатосини тушуниб қолар деган ўйга бордик. Нима бўлганда ҳам кўнглида Она меҳри уйғоқ зотларгина икки дунё саодатига лойиқдир.

**Амина ҚОДИРОВА.**

*Биласизми?*

# ЛАМПОЧКАНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

*Замонлар ўтиши билан инсон янги-янги ёруғлик манбаларини кашф этди. Ниҳоят, электр токи ҳосил қилинди.*

*Рус муҳандиси А.Лодигин 1872 йили электр токини ингичка кўмир стерженидан ўтказганда стержен қизиши натижасида нур тарқалиши маълум бўлди. Бу тажриба электр ёрдамида ёритувчи лампа ясашга имкон берди.*

*1880 йилдан бошлаб саноат усулида лампочка тайёрлана бошлади. XX асрнинг бошларига келиб эса лампочканинг анча бежирим ва яхшироқ ёритадиган нусхалари чиқарилди. Уларнинг асосини, худди ҳозиргидек, шиша баллон ва вольфрам спирали ташкил қиларди.*

*Лампочкадаги ёруғлик манбаи бўлган вольфрам спиралини эса 3390 даражадан ортиқ қиздирса, у эриб кетади.*

**А.АЛИЕВ**
**тайёрлади.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.